

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ШАХСИЙ ТАЪЛИМ ТРАЕКТОРИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ғаниев Миролим Кодирович

Шаҳрисабз давлат педагогика институти

miro0079@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада олий таълим тизимиға кириб келган “талафанинг шахсий таълим траекторияси” тушиунчаси, унинг аҳамияти, натижалари, таълим траекториясининг талабаларга берадиган имкониятлари ҳақида муроҳаза юритилган. Таълим самарадорлигини оширишида таълим траекториясининг аҳамияти тўғрисида ва таълим траекториясини жорий қилиши бўйича хорижий олий таълим муассасаларининг тажрибалари таҳлил қилинган. Мақолада олий таълим тизимида индивидуал таълим траекторияларини лойиҳалаш имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, шахсий таълим траекторияларини тузиида касбий малакаларни сертификатлашнинг аҳамияти, таълим траекторияларининг семантик хусусиятлари ҳамда профессионал келажакни прогноз қилиши имкониятлари очиб берилган.

Калим сўзлар: таълим траекторияси, кредит-модул тизими, олий таълим, тадқиқотчи, рақамли таълим платформалари, регистратор офиси.

THE IMPORTANCE OF PERSONAL EDUCATIONAL TRAJECTORIES IN HIGHER EDUCATION

ABSTRACT

This article reflects on the concept of "student's personal educational trajectory", its importance, results, the possibilities that educational trajectory gives students, which has entered the higher education system. On the importance of educational trajectory in improving educational efficiency and on the introduction of educational trajectory, the experiments of foreign higher educational institutions were analyzed. The article analyzes the possibilities of designing individual educational trajectories in the higher education system. Also, the importance of certification of professional qualifications in the construction of personal educational trajectories, the semantic features of Educational Trajectories and the possibilities of forecasting a professional future are revealed.

Keywords: educational trajectory, credit-module system, higher education, researcher, digital education platforms, registrar's office.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Олий таълимда шахсий таълим траекторияларини жорий қилиш ҳаётий эҳтиёж эканлигини қуида тушунтирамиз. **Биринчидан**, ҳозирги кунда таълим тизимида, хусусан олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фан техниканинг жадал ривожланиши натижасида рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёж юзага келмоқда. Мутахассисларни тез, сифатли ва қўп миқдорда тайёрлаш учун мавжуд инновацион таълим бериш усусларини қўллаш ёки янгиларини яратиш зарур. Бундан ташқари олий таълим муассасаларининг, жумладан, нодавлат олий таълим муассасалари сонининг ошиши, давлат олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақиллик берилиши натижасида улар ўртасида рақобат пайдо бўлмоқда. Рақобат натижасида таълим муассасалари талабаларга қулай ўқиш шароитларини таклиф этишлари зарур. Қулай ўқув шароитларидан бири бу – индивидуал таълим траекторияси асосида таълим жараёнини ташкил этиш.

Иккинчидан, жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга тезда муносабатини билдира олиш ва мослашиш қобилияти мутахассиснинг узлуксиз таълим олиши натижасида юзага келади, бу эса ўз навбатида катта ҳажмдаги мустақил ўқув фаолиятини назарда тутувчи индивидуал таълим траекториясидан фойдаланишни тақозо этади. Ушбу ёндашув талабага мустақил равишда ҳам, олий ўқув юртининг таълим дастурлари доирасида ҳам билим олиш ва зарур кўникмаларни ривожлантириш имконини беради.

Учинчидан, шахсий таълим траекторияси ҳозирги кундаги замонавий таълимнинг эҳтиёжи ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ (LITERATURE ANALYSIS AND METHODOLOGY).

Мавзу хорижий олий таълим муассасалари тажрибаларининг таҳлилларига асосланади.

"Индивидуал таълим траекторияси-бу ҳар бир талабанинг таълимдаги шахсий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг шахсий йўли. [3]

Н. А. Лабунская биринчи марта талабаларнинг психофизик хусусиятлари, уларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлиари туфайли талабаларнинг индивидуал таълим йўналишларининг қуидаги турларга ажратган:

1. Ўқув дастурини амалга оширишга қаратилган ўқув фаолиятининг индивидуал таълим траекторияси
2. Ўқув фаолияти ва дарсдан ташқари фаолиятни ўз ичига олган комплекс индивидуал таълим траекторияси

3. Талаба қобилиятини, индивидуал шахсий элементларини ривожлантиришга қаратилган дарсдан ташқари фаолиятнинг индивидуал таълим траекторияси

Шахсий таълим траекторияси таълим дастурини янгича тушуниш, ҳар бир талабанинг хусусиятлари ва қобилиятларига мослашувчан, талабанинг эҳтиёжларига қараб созлаш ва такомиллаштириш имконияти мавжуд бўлиши зарур. Траекториялар ҳар хил турда бўлиши мумкин. Масалан,

- **мослашувчан** (мутахассисни замонавий шароитларга мослаштириш учун),
- **ривожлантирувчи** (мутахассиснинг қобилиятларини ривожлантириш, унинг имкониятларини очиш учун),
- **ижодий** (мавжуд потенциалидан мақсадли фойдаланиш ва ўзгартириш, карьерасини ривожлантириш учун)

Олий таълим муассасаларида таълим траекторияларига асосланган таълимнинг жорий қилиниши рақамли таълим платформаларидан фойдаланишни тақозо этади. Чунки минглаб шахсий жадвалларни қўлда яратиш мумкин эмас.

Анъанавий, классик таълим дастурларидан шахсий таълим траекторияларига асосланган таълим тизимиға ўтиш ҳар қандай олий таълим муассасаси учун анча қийинчилик пайдо қилиши аниқ. Масалан, ҳар бир гуруҳ учун ягона бўлган жадвал ўнлаб турли хил жадвалларга бўлиниши керак, ҳар бир фан учун умумий бўлган дарсликлар эса турли форматдаги ўқув дастурлари тўплами билан алмаштирилиши керак. Бундан ташқари буларни талabalарга етказиш, уларга тўғри танловни амалга оширишлари учун керакли маслаҳатларни берадиган эдвайзер ёки тьюторлар керак.

Олий таълим муассасаларида шахсий таълим траекторияларини жорий қилишдп юқоридаги қийинчиликлар, муаммолар ва харажатлар ўзини оқлайдими? Шахсий таълим траекторияларини жорий қилиш олий таълим муассасасига ёки олий таълим тизимиға нима(лар) беради, деган саволларга жавоб қидиришга ҳаракат қиласиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан олий таълим муассасаларида жорий қилинган кредит-модул тизимида **талабанинг шахсий таълим траекторияси — талаба томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетликда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йигиндисига эга бўлиши имкониятини берадиган йўналиши (маршрут).** Таълим траекторияси институционал ҳужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таълим траекториялари

натижада бир хил малака олишига олиб келиши мумкин [7], деб таъриф берилган.

Сўнгги йилларда индивидуал таълим тўғрисидаги нашрларда "**индивидуал таълим траекторияси**" атамасига мурожаат тобора кенг тарқалмоқда.

Индивидуал таълим траекторияси тушунчасининг ишлатилган таърифларини таққослаш шуни қўрсатадики, асосан индивидуал таълим траекторияси шахсий йўл, элементларнинг маълум бир кетма-кетлиги ёки талабанинг индивидуал ўқув фаолиятини амалга ошириш йўналиши сифатида қаралади.[6]

"Сколково" Москва Менежмент мактабининг илмий директори ва «Приоритет» дастури мутахассиси Андрей Волковнинг фикрича, шахсий таълим траекторияларини жорий қилиш олий таълим муассасаларининг асосий мақсадларини амалга оширишларига ёрдам беради, жумладан, тадқиқотлар ҳажмининг ошишига сабаб бўлади.

МИСиС университетининг биринчи проректори С.В.Салиховга кўра индивидуал таълим траекторияси фанлараро илмий тадқиқотчилар тайёрлаш имкониятини беради. Фанлараро лабораторияда фақат ўзига хос таълим траекториясига эга, маҳсус қўникумга ва малакаларга эга бўлган тадқиқотчилар ишилаши мумкин.

Шахсий таълим траекториясининг яна бир амалий аҳамияти шундаки, у талабаларга ўқиш мотивациясини ошириш ҳамда ривожлантириш ва ўзини ўзи такомиллаштиришнинг индивидуал йўлини мақсадли танлаш имкониятини беради.[1]

Таълим жараёни шахсий таълим траектория асосида ташкил этилганда талаба зерикмайди. Чунки талаба ўз хохиши ва ўз қизиқишлари асосида танлаган фанларини ўқийди. (тўғри танлов амалга оширилганда, албатта.)

НАТИЖАЛАР (RESULTS).

Шахсий таълим траекториясининг мақсади талабаларга ўз имкониятларини максимал даражада ошириш имкониятини беришdir. Шахсий таълим траекториясидан ўтиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

1. Талабани рағбатлантириш
2. Унинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш
3. Мавзу ўйналишини аниқлаш
4. Муайян ваколатларни ўзлаштириш
5. Малака ва қўникмаларни ривожлантириш, такомиллаштириш

Шахсий таълим траекторияли таълим жараёнини ташкил қилишда ўкув режалари 3 хил шаклда ишлаб чиқилади:

- намунавий ўкув режа ;
- талабанинг шахсий ўкув режаси;
- ишчи ўкув режа;

Барча шаклдаги ўкув режаларда фанларни ягона кодлаш тизимидан фойдаланилади. Кодлар фанларнинг ҳарф ва рақамли ифодаси бўлиб, фанлар номи ва тартибини кўрсатади.[8] Масалан, **БУТП12308 – Бошланғич ва узлуксиз таълим педагогикаси.** Бу ерда 1- мажбурий фан (танлов фан бўлса 2 қўйилади), 23 - 2-ва 3-семестрларда ўқитилади, 08 – фаннинг кредити

ДТСга мувофиқ бутун ўкув жараёни учун ишлаб чиқилган таянч ўкув режасидан фойдаланган холда ишлаб чиқилган намунавий ўкув режа асосида талаба ўзининг йиллик шахсий таълим траекторияси (ишчи ўкув режаси)ни тьюторлар ёки мустақил роавишида ишлаб чиқади. Шахсий ишчи ўкув режа ишлаб чиқмаган талаба намунавий ўкув режа асосида таълим олиш ҳуқуқига эга. Талаба шахсий таълим траекториясини ишлаб чиқиши учун олий таълим муассассаси томонидан яратиладиган ўкув-меъёрий хужжатларга ҳам ўзига хос талаблар мавжуд. Масалан, ўкув режадаги фанлар қўйидаги тоифаларга бўлиниши лозим:

1. Мажбурий, кетма-кет ўқитиладиган (мажбурий ва ўрнатилган кетма-кет тартибда);
2. Мажбурий, кетма-кет ўқитилмайдиган (мажбурий, лекин хоҳлаган семестрда танланиши мумкин);
3. Танлов фанлари (муқобил фанлардан бири танланадиган);

Таълим дастурларини яратишида ҳам қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Масалан,

- таълим дастурларида фанни ўқитишидан мақсад ва вазифалари аниқ ва батафсил баён қилиниши;
- ҳар бир мавзууни ўзлаштириш бўйича инновацион методларнинг таклиф қилиниши;
- мавзуларнинг ўзлаштириш кетма-кетлиги тўғри танланганиши;
- бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги;
- мустақил таълим топшириқларининг аниқ қўйилиши;
- фан ўқитилишининг натижалари, шаклланадиган компетенциялар белгилаб берилганлиги;
- фан бўйича талabalар билимини баҳолаш ва назорат қилиш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги;

- фойдаланиладиган адабиётлар, ҳаволалар, интернет манзилларининг мавзуга алоқадор қисмлари аниқ қўрсатилганлиги.

МУХОКАМА (DISCUSSION).

Талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш учун олий таълим муассасасида рўйхатга олиш хизмати – “регистратор офиси” ташкил этилади. Рўйхатга олиш хизмати белгиланган жадвалга мувофиқ талабаларни фанларга рўйхатдан ўтказади ва талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантиради. Талабанинг шахсий таълим траекторияси улар томонидан мустақил равишда гурух мураббийи ёрдамида намунавий ўқув режаси ва танлов фанлари каталоги асосида умумий ўқиш даври учун тузилади. Шахсий таълим траекториясига ҳар ўқув йилидан олдин ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин. Талабалар танлаган фанларини ҳар семестрнинг дастлабки биринчи ҳафтаси ичida ўзгартириши мумкин.[7]

Шахсий таълим траекторияларида қуйидаги компонентлар бўлиши зарур.

- **Мақсад** (давлат стандартлари ва талаблари асосида таълим олишдан мақсад)
- **Маълумотлар** (таълим олиш учун ўқув фанлари ва фанлараро алоқа)
- **Технология** (таълим тизими, методлари ва таълим технологиялари)
- **Диагностика** (эгалланган билимлар ва шаклланган компетенцияларни баҳолаш).

Шахсий таълим траекториялари қуйидаги босқичлар асосида амалга оширилади:[5]

1. **Диагностика.** Муваффақиятли таълим жараёнини ташкил этишдаги тайёргарлик босқичи. Бу босқичда асосий рол ўқитувчига юкланади, улар асосий кўнималарни эгаллаш учун талабага ўқув материалини ўрганиш йўллари ва у учун мақбул иш шаклини танлашга ёрдам беради.

2. **Мақсадни белгилаш.** Талаба ва ўқитувчининг ўзаро фаол ҳамкорлиги талаб этилади. Курс сўнгида давлат таълим стандартида белгиланган минимал талабдан кам бўлмаган фанни билишнинг керакли даражасига эришиш учун график шаклдаги шахсий таълим траекторияси тузилади. Ўқитувчи билан биргаликда натижалар прогноз қилинади, амалга ошириш муддатлари аниқланади, мустақил ишлар кетма-кетлиги ва мураббий билан ўзаро муносабатр шакллари танланади. Шу тарзда, ушбу мақсадга эришиш учун шахсий таълим траекторияси яратилади.

3. **Рағбатлантирувчи.** Ўқитувчи билан ҳамкорлик қилиш, дарсларга катнашиш, бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот бериш жараёнларидаги

талабанинг актив фаолият босқичи. Ўқитувчи натижаларга қараб таълим траекториясига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

4. Экспериментал-когнитив. Индивидуал вазифаларни бажариш орқали турли хил технологиялар ва ресурслардан фойдаланган ҳолда шахсий таълим траекториясини изчил ва мустақил равишда амалга ошириш даври.

5. Назорат (баҳолаш). Шахсий таълим траекториясини амалга ошириш даражасини мониторинг қилиш ва баҳолаш ўқитувчи ва талаба томонидан амалга оширилади, бу ўз-ўзини назорат қилиш ва шахсий ютуқларнинг ривожланишга ёрдам беради. Бажарилган ишларни таҳлил қилиш жараёнида одатдаги хатолар аниқланади, муваффакиятсизликлар ва ютуқларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Талаба томонидан бажарилган барча ишлар ҳисобот шаклида тузилади ва шахсий ютуқлар папкасида (портфолиосида) тўпланади, унда талабанинг хусусиятлари, назорат ишлари натижалари ва тестлари ҳам мавжуд бўлади. Портфолиода бажарилган ишларнинг ҳажми, компетенцияни шакллантириш даражаси, талабанинг меҳнатсеварлиги ва ўзини ўзи баҳолаши акс этади.

ХУЛОСА (CONCLUSION).

Олий таълим муассасаларида шахсий таълим траекторияларининг жорий қилиниши нафақат талabalарга кенг имкониятлар беради, балки мутахассислар тайёрлашнинг суръати ва сифати ҳам ошади. Олий таълим муассасаларига берилган академик ва молиявий мустақилликни мустаҳкамлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Барчага маълумки, илм-фан тинимсиз ривожланишда давом этади. Саноат ва ишлаб чиқариш ривожланган сари ижодий фикрлайдиган мутахассисларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб боради. Бу эҳтиёжни қондириш, яъни замон талабларига мос кадрлар етказиб бериш масъулияти олий таълим муассасаларига юклатилади. Юқорида келтирилганидек, жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга тезда муносабатини билдира олиш ва мослашиш қобилиятига эга мутахассислар таълимда узлуксиз ислоҳотларни амалга ошириш орқали тайёрланади. Мана шу ислоҳотлардан бири олий таълим жараёнига шахсий таълим траекториялари асосида мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйишидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Veretennikova, Veronika & Urazova, Elvira & Shikhova, Olga. (2020). The Bases for Projecting Individual Educational Trajectories of Future Teachers. 2695-2713. 10.3897/ap.2.e2695.

2. Гончарова Е.В. Организация индивидуальной образовательной траектории обучения бакалавров. / Е.В. Гончарова, Р.М. Чумичева // Вестник Нижневартовского государственного университета. 2012 № 2 С. 3–11.
3. Жданко, Т.А., Живокоренцева, Т.В., Чупрова, О.Ф. ОГ Проектирование индивидуальных образовательных маршрутов (ИОМ) студентов в вузе // Magister Dixit. 2014 № 1 (13). С. 140-146.
<http://cyberleninka.ru/article/n/proektirovanie-individualnyh-obrazovatelnyh-marshrutov-iom-studentov-v-vuze>
4. Зеер Э.Ф, Сыманюк Э.Э. Индивидуальные образовательные траектории в системе непрерывного образования. Педагогическое образование в России: Научный журнал Екатеринбург. Уральский государственный педагогический университет. 2014 №3 . 74-82 с. URL: <https://rucont.ru/efd/265190> (дата обращения: 30.05.2023)
5. Манешева Р.А. Индивидуальные принципы активного обучения при организации текущего контроля знаний студентов. // Вестник ТГПУ. Педагогика высшей школы, 2010 – Вып. 2 (92)
6. Плаксина, О.А., Матвеева, Т.А. Проектирование индивидуальной образовательной траектории в вузе // Вестник ЧелябГПУ. 2013 № 12 С. 66-73.
<http://cyberleninka.ru/article/n/proektirovanie-individualnoy-obrazovatelnoy-traektorii-v-vuze>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига 1-ИЛОВА, Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ.
<https://lex.uz/docs/5193564>
8. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020 й.,
9. Ахатова, Д. А. (2023). ШАРҚ МУТАФАККИРИ АБУ АЛИ ИБН СИНО ДУНЁҚАРАШИГА ҚАДИМГИ ЮНОН ФАЛСАФАСИННИНГ ТАЪСИРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 227-233.
10. Ахатова, Д. А., & Ёқубов, Х. Н. Ў. (2023). БУЮК АЛЛОМА АБУ ҲОМИД ФАЗЗОЛИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ, ДИНИЙ ВА МАҶНАВИЙ ҚАРАШЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 559-563.
11. Ochilova Guzal Aralovna, Omonov Bahodir Nurillaevich, Nomozov Khurshid Shavkatovich, Manzarov Yusuf Khurramovich, Ochilov Baxrom Aralovich

Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System.

<https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/2880/2583>

<https://www.scopus.com/sourceid/21100216519> 984-989

12. Ochilova, G. A. (2020). Philosophical analysis of the development of social consciousness. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*" PJAAEE, 17(7).

13. Nurillaevich, O. B., Aralovna, O. G., Shavkatovich, N. K., Khurramovich, M. Y., & Aralovich, O. B. (2022). Factors Of The Formation Of Ecological Culture In The Education And Training System. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 984-989

<https://sifisheriersscience.com/journal/index.php/journal/article/view/1815/1865>

14. Очилова Г.А., Жумаева Ш.С., Очилов Б.А. Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожида миллий давлатчилик тафаккурини шакллантириш зарурияти: усул ва воситалари. Халқаро ислом академияси. Илмий таҳлил журнали. Тошкент. 2019 й. 44-бет.

15. Очилова, Г. А., Очилов, Б. А., & Арапов, М. Б. (2021). ГАРМОНИЗАЦИЯ ИНТЕРЕСОВ НАРОДОВ ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЫМ ФАКТОРОМ РАЗВИТИЯ МЫШЛЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-9), 43-47.

16. Ochilova, G., Jumayeva, S., & Ochilov, B. (2019). The necessity of forming National statehood and it's mentality in the spiritual-moral and cultural development of society: methods and tools. *The Light of Islam*, 2019(2), 10.

17. Омонов, Б. Н. (2023). ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА СУДЬБЫ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(4), 755-763.

18. Омонов, Б. Н. (2013). Геоэкологическая политика Узбекистана в регионе Приаралья. *Credo New*, (3), 20-20.